

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**437 Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича аҳолига хизматлар кўрсатиш муносабати билан шаҳарда йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар кўрадиган зарарларни молиялаштириш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 6-модда) 8-бандининг ўнинчи хатбошидаги «йўловчи транспортининг зарар кўрмасдан фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда транспортда юриш қарточкаларига чегирмалар миқдорини белгилайди» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 сентябрь,
273-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом автомобиль ва электр транспортда (трамвай, троллейбус ва метрополитенда) шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда мунтазам ва соатлар бўйича йўловчилар ташишни амалга оширадиган ташувчиларга татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

умумий фойдаланиладиган транспорт — йўловчилар ва юк ташиш учун мўлжалланган жамоат ер усти ва ер ости транспорти (автобус, трамвай, троллейбус, йўналишли ва йўналишсиз таксилар, метрополитен);

автобус — йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари, 8 тадан кўп ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси;

трамвай — электр приводга эга бўлган, темир йўл полотноси бўйича ҳаракатланадиган ва мунтазам шаҳар йўналишларида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган вагон (ёки бир-бири билан уланган бир нечта вагонлар);

троллейбус — электр приводга эга бўлган, кўчалар бўйлаб ҳаракатланадиган ва мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган вагон;

йўналишли такси — йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль);

йўналишсиз такси — таксометр (ҳисоблагич) кўрсаткичи бўйича тўлов тўланадиган, йўловчилар буюртманомалари бўйича ташиш хизматлари кўрсатадиган автотранспорт воситаси;

метрополитен — электропоездларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ер ости ва ер усти иншоотлари тизими;

тушум — автобус, йўналишли ва йўналишсиз такси, трамвай, троллейбус ва метрополитенда йўловчилар ташишдан олинган даромад;

чекланган тариф — йўловчилар ва багаж ташиш учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдори;

ойлик транспортда юриш карточкаси — ҳаракатланиш ҳудуди chegarаларида ва ушбу ҳужжат амал қиладиган давр мобайнида барча йўналишлар бўйича умумий фойдаланиладиган транспортда (автобус ва трамвайда) юриш имкониятини олишга йўловчининг ҳуқуқини тасдиқлайдиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат. Ойлик юриш карточкаси икки турга — умумий ва имтиёзли карточкага бўлинади;

умумий ойлик транспортда юриш карточкаси — метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари, умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида йўловчилар юришини назарда тутадиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат. Умумий транспортда юриш карточкасининг тўлиқ қиймати умумий фойдаланиладиган транспортдаги чекланган тарифни, чегиришни ҳисобга олган ҳолда, юришлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

имтиёзли ойлик транспортда юриш карточкаси — чегириш ва имтиёزلарни ҳисобга олган ҳолда, йўловчиларнинг ижтимоий гуруҳи (пенсиянерлар, ногиронлар, талабалар ва ўрта мактаблар, лицейлар, коллежлар ўқувчилари) учун транспортда юришни назарда тутадиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат;

транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳнома — шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органлари томонидан бериладиган, қатъий ҳисобда турадиган, белгиланган намунадаги, эгасининг номи ёзилган ҳужжат. Транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳнома шакли ҳамда уни бериш механизми Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланади;

бир марталик чипта — шаҳар ер устида йўловчилар ташиш транспортда (йўналишсиз таксидан ташқари) транспортда бир марта юриш ҳуқуқини берадиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат;

йўловчилар айланмаси — йўловчи ташилган масофани ҳисобга олган ҳолда, йўловчи ташишлар сонини белгиловчи кўрсаткич;

йўловчи-километр — йўловчи айланмасининг ўлчов бирлиги;

ўртача масофа — йўловчилар оқимини таҳлил қилиш натижалари бўйича аниқланадиган йўл юриш масофасининг узоқлиги;

тўлов тўлаб юрилган масофа — йўналишсиз таксининг йўловчи билан босиб ўтган масофаси.

II. Ташилган йўловчилар сонини аниқлаш

4. Ташилган йўловчилар сони умумий фойдаланиладиган транспортда (автобус, йўналишли ва йўналишсиз такси, трамвай, троллейбус ва метрополитенда) бажариладиган шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро ташувларнинг ҳар бир тури ҳамда соатлар бўйича ташувлар учун алоҳида-алоҳида аниқланади.

5. Шаҳар йўналишида ташилган йўловчилар сони:

чекланган тарифларни қўллаган ҳолда автобуслар, йўналишли таксилар, трамвайлар ва троллейбусларда ташилганда — сотилган бир марталик чипталар сони бўйича ёки тушумни чекланган тарифга тақсимлаш йўли билан аниқланади;

метрополитенда ташилганда — жетонлар сотишдан олинган тушумни чекланган тарифга тақсимлаш йўли билан аниқланади.

6. Ойлик транспортда юриш карточкаси ва транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ташилган йўловчилар сони:

сотилган ойлик транспортда юриш карточкалари ва транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномаларнинг берилган сонини ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланган ойлик юришлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

ташувчилар ўртасида улардан ҳар бирининг бир марталик чипталар бўйича ташиган йўловчилари сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

7. Шаҳар атрофидаги йўналишларда ташилган йўловчилар сони йўловчи айланмасини ушбу муайян йўналишда йўловчи босиб ўтадиган ўртача масофага тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Шаҳар йўналишидаги шаҳар атрофи йўналишларида ташилган йўловчилар сони ташилган йўловчиларнинг умумий сонини шаҳардаги йўналишнинг умумий йўналиш масофасидаги улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

8. Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташилган йўловчилар сони сотилган бир марталик чипталар сонига тенг ҳолда қабул қилинади.

9. Соатлар бўйича ташувларда ташилган йўловчилар сони йўловчи ташувлари сонини ушбу ташувчининг шаҳар атрофидаги йўналишда йўловчининг босиб ўтган ўртача масофасига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Агар ташувчида бундай ташувлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисоблаш учун 10 километрга тенг бўлган масофа олинади.

10. Йўналишсиз таксиларда ташилган йўловчилар сони тўловли босиб ўтилган масофани йўловчиларнинг ўртача сонига кўпайтириш ва йўловчилар ташишнинг ўртача масофасига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Йўналишсиз таксида ташилган йўловчиларнинг ўртача сони:

шаҳар йўналишида — 2 нафарга;

шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — 4 нафарга тенг ҳолда қабул қилинади.

Йўналишсиз таксида йўловчи ташишнинг ўртача масофаси:

шаҳар йўналишида — шаҳар жамоат транспортида йўловчилар ташишнинг ўртача масофасига;

шаҳар атрофидаги йўналишда — 10 километрга тенг ҳолда қабул қилинади.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўналишсиз таксида йўловчилар ташилганда ташишнинг ўртача масофаси шаҳарлараро ва халқаро йўна-

лишларда автобусларда йўловчилар ташишнинг ўртача масофасига тенг ҳолда қабул қилинади.

III. Йўловчилар айланмасини аниқлаш

11. Йўловчилар айланмаси умумий фойдаланиладиган транспортда (автобус, йўналишли ва йўналишсиз такси, трамвай, троллейбус ва метрополитенда) бажариладиган шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ташувларнинг ҳар қайси тури ҳамда соатлар бўйича ташувлар учун алоҳида-алоҳида аниқланади.

12. Йўловчилар айланмаси шаҳар йўналишларида автобуслар, йўналишли таксилар, трамвайлар, троллейбуслар ва метрополитенда ташишда ташилган йўловчилар сонини йўловчилар оқимини танлаб таҳлил қилиш асосида ҳисоблаб чиқилладиган ушбу йўналиш бўйича йўловчи босиб ўтадиган ўртача масофага кўпайтириш йўли билан аниқланади.

13. Ойлик транспортда юриш карточкалари бўйича йўловчилар айланмаси, ташувчилар ўртасида улар томонидан ташилган тўлов тўлаб юрадиган йўловчилар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

14. Транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича йўловчилар айланмаси, шу жумладан метрополитенда, ташувчилар ўртасида улар томонидан ташилган тўлов тўлаб юрадиган йўловчилар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

15. Шаҳар атрофидаги йўналишда йўловчилар айланмаси бир марталик чипталар бўйича йўловчилар ташишдан тушган умумий тушумни ташилган (багаж ташишдан тушумни чегирган ҳолда) бир йўловчи-километр учун чекланган тарифга тақсимлаш йўли билан аниқланади.

16. Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчилар айланмаси бир марталик чипталар бўйича йўловчилар ташишдан тушган тушумни (багаж ташиш ва суғурта тўловини чегирган ҳолда) бир йўловчи-километр учун чекланган тарифга бўлиш йўли билан аниқланади.

17. Умумий фойдаланиладиган автобусда соатлар бўйича ташишлар учун йўловчилар айланмаси (туризм-экскурсия автобусларидан ташқари) 0,65 миқдорига тенг ҳолда қабул қилинадиган автобусларнинг босиб ўтган масофаси ва йўловчи сифимидан фойдаланиш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда, автобусларнинг умумий босиб ўтган масофаси ва автобусларнинг ўриндилари сони бўйича сифими ҳосиласи сифатида аниқланади.

18. Йўналишсиз такси бўйича йўловчилар айланмаси ташилган йўловчилар сонини тўлов тўлаб юриладиган километрларга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

19. Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича йўловчилар айланмаси ва ташилган йўловчилар сони бўйича йиғма ҳисоботни шакллантириш барча юридик шахслар бўйича, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташиланган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Статистик ҳисоботлар тузишда йўловчиларнинг турли тоифалари, ойлик транспортда юриш карточкалари турлари ва транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинadиган йўловчиларнинг транспортда ЮРИШЛАРИ СОНИ

Т/р	Йўловчилар тоифаси, транспортда юриш ҳужжатининг тури	Бир ойда транспортда юришларнинг ҳисобланган сони	Тўлиқ қийматдан чегириш миқдори (%)	Чегиришни ҳисобга олган ҳолда, карточка қийматидан имтиёзлар (%)
1.	Умумий ойлик транспортда юриш карточкаси (серия «А» — автобус, трамвай)	130	23	-
2.	Транспортнинг битта турида юриш учун ойлик транспортда юриш карточкаси (серия «АV» — автобус)	104		-
3.	Пенсионерлар ва ногиронлар учун имтиёзли ойлик транспортда юриш карточкаси (серия «N» — автобус, трамвай)	130		50
4.	Талабалар учун имтиёзли ойлик транспортда юриш карточкаси (серия «Т» — автобус, трамвай)	130		50
5.	Ўқувчилар учун имтиёзли ойлик транспортда юриш карточкаси (серия «О'» — автобус, трамвай)	130		50
6.	«Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳнома	60	-	100

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича
аҳолига хизматлар кўрсатиш муносабати билан шаҳарда
йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган
ташувчилар кўрадиган зарарларни молиялаштириш ва
қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши шаҳарда аҳолини ҳаракатланишнинг мунтазам йўналишлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган чекланган тарифлар бўйича аҳолини умумий фойдаланиладиган транспортда ташишларга татбиқ этилади.

**II. Шаҳар йўловчилар ташувчиларининг фаолиятини
молиялаштириш манбалари**

3. Хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, ўзининг инвестициялари ва хорижий инвестициялар, давлат бюджетидан ажратмалар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар шаҳар йўловчилар ташувчилари фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади:

шаҳар йўловчилар ташувлари соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари;
метрополитен қуриш;

фуқароларнинг айрим тоифаларини транспортда бепул ва имтиёзли юриши билан боғлиқ ҳолда ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини қоплаш;

йўловчилар станцияларини, бекат ва диспетчерлик пунктларини лойиҳалаш, қуриш, обод қилиш ва сақлаш;

янги трамвай ва троллейбус линиялари қуриш;

тушумларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтириш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, шаҳар йўловчилар ташувларини бажаришда чекланган тарифларни қўллаш билан боғлиқ ҳолда ташувчилар кўрадиган зарарларни қоплаш.

Ушбу банднинг бешинчи — еттинчи хатбошиларда кўрсатилган харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

5. Навбатдаги молия йили учун ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга маблағларнинг аниқ суммаси асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ аниқланади ҳамда давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида (ёхуд қабул қилинган алоҳида қарорлар бўйича, республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажат ва даромад қисмларида, шунингдек 1-Н-сон шаклидаги ҳисоботларда акс эттирмасдан, Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси протоколлари асосида мақсадли молиялаштириш схемалари ўтказиш йўли билан) ажратилади.

6. Транспортда ташувчилар томонидан ҳар йили маҳаллий давлат органларига тасдиқлаш учун қуйидагилар тақдим этилади:

йўловчилар айланмасининг, шу жумладан ойлик транспортда юриш карточкаларидан фойдаланувчи йўловчиларнинг Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳарлар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланадиган прогноз кўрсаткичлари;

даромадлар ва харажатлар ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари;

уларнинг амалда бажарилиши бўйича ҳисоботни ҳар чорақда тақдим этган ҳолда тушумларнинг тўлиқ йиғилишини, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтиришни таъминлаш тадбирлари.

III. Ташувчиларнинг транспортда бепул юривчи ва имтиёзли йўловчиларни ташиши муносабати билан олинмай қоладиган даромадларини, шунингдек чекланган тарифлар бўйича хизматлар кўрсатишдан кўриладиган зарарларини қоплаш

7. Фуқароларнинг айрим тоифаларини транспортда бепул ва имтиёзли юриши билан боғлиқ ҳолда ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини қоплаш ҳар ойда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширилади.

Ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини қоплашга маблағлар ажратиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни ҳар йили хатловдан ўтказиш натижалари — шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишда, ҳар ойда тенг улушлар билан молиялаштирган ҳолда;

шаҳар йўловчи транспортини бошқариш органининг ойлик транспорт-

да юриш имтиёзли карточкаларининг амалда сотилиши тўғрисидаги ахбороти — транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишда.

8. Чораклик молия ҳисоботини топширгандан кейин дастлабки ўн кун мобайнида ташувчи маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органи билан олдинги чоракдаги иш якунлари бўйича қопланиши керак бўлган амалда кўрилган зарарлар ҳажмини келишади, бунда линиядаги тушумнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтириш бўйича қабул қилинган тадбирлар ҳисобга олинади.

9. Ташувчилар кўрган зарарларни қоплаш учун зарур бўлган маблағлар суммаси тушумнинг тўлиқ йиғилиши бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги даромадлар, шунингдек фуқаролар айрим тоифаларининг транспортда бепул ва имтиёзли юриши билан боғлиқ ҳолда олинмай қоладиган даромадларни қоплаш суммаси билан амалдаги харажатлар ўртасидаги тафовут тарзида аниқланади, бунда кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтириш тадбирлари ҳисобга олинади.

Бунда кўрилган зарарларни қоплаш суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳар йўловчи ташиш транспортида бепул ва имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифалари учун чегиришлар ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ушбу миқдорлар ўртасидаги тафовут ноль ёки ижобий (ташкilotларнинг фойдаси) бўлган тақдирда кўрилган зарарлар қопланмайди.

10. Ташувчилар кўрган зарарларни қоплаш миқдорига ёқилғи-мойлаш материаллари, электр энергияси, асосий эҳтиёт қисмлар ва материаллар нархлари ўзгарганда ҳамда чекланган тарифларни шакллантиришда назарда тутилмаган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ўзгарганда, шунингдек линиядаги тушумнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтириш тадбирлари ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар киритилади.